



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 24-oktabr • №43 (4286)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ОРОЛ ТАҚДИРИ — ОЛАМ ТАҚДИРИ

Бугун дунёда Орол денгизининг қуриши туфайли келиб чиққан экологик фалокат ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрдаги 48-сессиясида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи муаммоларига қаратгани, Бош ассамблеянинг 1995 йил 24 октябрдаги 50-сессиясида Орол фожиясидан азият чекаётган давлатларнинг вакиллари жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, денгизни ва Оролбўйини асраш бўйича ёрдам кўрсатишга чақирганлари бежиз эмас.

Шу йилнинг октябр ойи охирида Урганч шаҳрида

"Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Ушбу халқаро анжуман Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ва БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилган "Орол денгизи қуришининг оқибатларини бар-тароф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури"ни амалга ошириш доирасида ўтказилмоқда.

Гарчи, бир вақтлар мовий тўлқинлари кўкка сапчиган, бағрида не-не ноёб балиқлар гулгон ўйнаган жаҳондаги энг гўзал денгизнинг қуриши XX аср ўрталаридан бошланган бўлса-да, аслида уни ўлимга маҳкум этишга ўтган юз йилликнинг 30-йилларидаёқ киришилган эди. Ушанда собиқ СССР ҳукумати Ўрта Осиёда ирригация ва мелиорация ишларини авж олдириш бўйича ўта маҳобатли режа тузиб, Орол денгизи асрлар оша баҳраманд бўлиб келган Амударё ва

Сирдарё сувларини хомталаш қилишга "фатво" берганди. Бирин-кетин бу дарёлардан сув олувчи ўнлаб ирригация иншоотлари қурилиши бошланиб, дастлаб барпо этишга киришилган Қорақум ка-

фойдаланиш уни лойиҳалаган шўро мелиораторлари тушига ҳам кирмаган.

Денгиз сатҳининг ўтган аср 60-йилларидан бошлаб йилига 0,7 метрдан пасайиб бориши эса охир-оқибат Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистонни, шунингдек, қўшни Туркменистоннинг Тошовуз ҳамда Қозғистоннинг Қизилўрда вилоятларини экологик фожияга юзма-юз қилиб қўйди. Денгизга қуйиладиган обиҳаёт миқдори 4,5 баробарга камайиб, юзаси 8 баробар кичрайди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Она сайёра - қўриқхона

наlining умумий узунлиги 1445 километри ташкил этади. Амударё оқимининг 45 фоизини тортадиган мазкур канал қурилиши бошдаёқ ўзани бетонлаб сувни тежовчи технологиялардан



Нукусдаги Бердақ миллий музейи

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий-ижтимоий нашри

“ҚАРАҚАЛПАҚ ӘДЕБИЯТЫ” газетаси — меҳмонимиз



ФАРЗАНДЛИК БАХТИ

Мана, йиллар йилларга улашиб бормоқда. Мустақиллигимизга ҳам йигирма уч йил тўлди. Ўша йили дунёга келган болалар бугун балоғат ёшида. Давлатимиз раҳбари муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида биз

тамомила янги жамият барпо этдик. Эндиликда дунё давлатлари Ўзбекистон билан қонуний равишда ҳисоблаша бошлади. Айниқса, Қорақалпоғистонимизнинг кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқимиз тур-

муш фаровонлигининг ошиши, қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бораётганини ким инкор эта олади. Бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари каби Қорақалпоғистонимизда ҳам ўз фабрикаларида кўплаб турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Устюртдаги газ ва нефть конлари ҳали юртимиз келажиги яна ҳам кучайишидан дарак бермоқда.

Биз ижод аҳли эса бу ютуқлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзишимиз, янги асарлар яратиш, халқимизга тақдим қилишимиз керак. Адабиёт инсон оламининг акси, кўнгил кўзгуси, кўз ва қалб маъноларининг акс-садосидир. Шу юртда туғилганим менинг, ҳаммамизнинг бахтимиз. Қорақалпоқ халқининг бой оғзаки ижоди руҳида улғайдик. Адабиётда шу халқнинг бой маънавий мероси таъсирида тарбия топдик.

Қорақалпоқ миллилати ва халқини адабиёт билан дунёга танитган Тўлепберген Қаипбергенев ва Ибройим Юсупов оғалардан кейин улар сингари улкан ижодкорлар пайдо бўлишига ишонаман.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ТАФАККУР

Ўзбек романчилик мактаби асосчиси, сеvimли адибимиз Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар"га сўзбошисида "Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва хикоячиликларда ҳам янгарилшга, халқимизни шу замоннинг "Тоҳир-Зукра"лари, "Чор дарвеш"лари, "Фарҳод-Ширин" ва "Баҳромгўр"лари билан тақшиштиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз", деб ёзганди. Худди шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ мактаб, ўрта ва олий таълим тизимларида истиқлол руҳиятини, янгича онг ва тафаккурни шакллантирувчи дарслик ва ўқув қўлланмаларига катта эҳтиёж туғилди. Таниқли адабиётшунос олим Бойбўта Дўстқораевнинг "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" китоби янги даврнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳақиқатларини халқимиз онига чуқур сингдиришга сафарбар этилган миллий матбуотимиз жонқуярлари, бўлажак журналистлар учун муҳим қўлланма сифатида хизмат қилмоқда. Яқинда дарслик муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Олтин қалам" халқаро мукофоти соҳиби Бойбўта Дўстқораев билан учрашиб, муҳтарам профессоримизга китобнинг яратилиш тарихига доир саволлар билан мурожаат қилдик.

— Бойбўта ака, Сиз истиқлол даври журналистларининг усто-зи сифатида кўп вақтини, ҳатто айтиш мумкинки, бутун умрини архивлару кутубхоналарнинг нодир қўлёзма бўлиmlарида ўтказган, боболаримизнинг эски ёзувдаги бебаҳо меросини ҳижжалаб ўқиб, миллий мат-

— Албатта, энг катта омил ва менга бир оддий тадқиқотчи сифатида ижодий куч-ғайрат, илҳом бағишлаган жихат бу — мамлакатимиз мустақиллигидир. Президентимизнинг "Бугунги янги ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, ажодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон

Истиқлол ва адабиёт

буотимиз тарихини теран ўрганган олимлардансиз. "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" китобининг ёзилишида, игна билан қудуқ қазгандек, бу қадар машаққатли илмий меҳнатни рўёбга чиқаришда сизга илҳом берган оимлар ҳақида гапириб берсангиз.

халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир", деб айтган гаплари эса ўзини шу Ватанимиз фарзанди, деб билган ҳар бир олим тадқиқотчи зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Менга ҳам шундай бўлди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ЁШЛИК СУРУРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида шу йилнинг 28-30 октябр кунлари ёш ижодкорларнинг

VI-республика семинар кенгаши бўлиб ўтади. Анъанавий анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси



ва мамлакатимизнинг барча вилоят вакиллари иштирок этган — Термиз, Навоий, Андижон, Эллиққалъа ва Янгийўл шаҳар ва туманларида ўтказилган минтақавий ижодий кўрикларда ўз овози ва истеъдоди билан алоҳида эътиборга сазовор бўлган ўттизга яқин истеъдодли ёш ижодкорлар наср, назм, публицистика, бадний таржима ва болалар адабиёти йўналишидаги асарлари билан қатнашадилар.

3

Дебон берган киши эрдир, ва лекин Демай берганга эрлик бил мусаллам. Не деб, не берса, билгил они хотун, Дебон бермасни хотундин доғи кам.

Навоийни ўрганиш

Сахийлик мақомига кўра, бир нарсани берганда иложи борица берганини билдирмаслик ва уни миннат қилмаслик эр кишига хос фазилат. Аммо бутунлай хайр-саховат қилишдан юз ўгириб, бахил ва қизганчиқ ҳолда яшаб ўтиш тубанликдир. Зеро, сахийлик, қўли очиклик ўзи муҳтож бўлмаган нарсани бериш, ийсор-ихтиёр ўзи муҳтож бўла туриб, муҳтож

САХОВАТ МАҚОМИ

нарсани бировга бериш эканини билдирмоқда. Аммо бировга ҳада қилган киши уни асло тилга олмаслиги ва миннат этмаслиги керак. Бундай фазилат эгасини шоир эркак дейишга лойик, деб таъкидламоқда. Бир нарсани бериб, изидан миннат қилган кишини эса хотин, деб атамоқда. Чунки эркак-хотинлик бизда қадимдан катта ор-номус саналиб келинган. Лафзида турадиган, ор-номусга қаттиқ риоя этадиган кишини эркак дейилган. Ҳамма замонда ҳам эркаклик ор-номусини сақлайдиган кишини мақталган.

кишини кўрганда ҳеч ўйлаб ўтирмасдан беришдир. Бахиллик ва қизганчиқлик ўзи муҳтож эмаслигини била туриб, бир нарсани қизганиб бермасликдан иборат. Бир донишманд сен молни сарфламасанг, сен молниқисан, агар сарфласанг, мол сеники, деган экан. Одамзот насли ичида саховати билан ном қозонган зотлар кўп бўлганидек, бахиллик билан ном қозонган кишилар ҳам учрайди.

Бобомурод ЭРАЛИЕВ, тадқиқотчи

Бошланиши биринчи саҳифада.

Денгиз тобора ўз қирғоқларидан қочиб, унинг қуриган тубидан осмони фалакка миллионлаб тонналаб заҳар-заққум чаңг-тўзон қутуриб, минтақада экологик аҳвол фалокат тусини олиб, турли касалликлар авж олган, болалар ўлими даражаси ҳатто Африкадаги энг қолоқ мамлакатлардан ҳам ошиб кетган 80-йиллар охирида бир гуруҳ публицист ва эколог мутахассислар томонидан "Орол-88" экспедицияси уюштирилган эди. Бу вақтга келиб Сибир дарёлари сувининг бир қисми билан Оролни тўлдирамиз деган сафсаталар тўхтаган, денгизидан айрилиб умидсизликка тўшган одамларни қалғитишининг янги-янги усуллари зўр бериб ишга солинаётган эди. Ушанда экспедициянинг экологик фожиа ҳудудидagi қизгин баҳс-мунозараларидан бирида собиқ иттифоқ марказидан олим никобиди келган кимдир дабдурдустдан: "Оролнинг қуришига, сизлар айтганда, сув ҳўжалиги вазирлигининг узқоқи кўзламай олиб борган экстенсив деҳқончиликка асосланган кўриқ ерларни ўзлаштириш услуби айбдор эмас. Орол таърихан вақти-вақти билан қуриб, яна қайта-

бинати, 45 та балиқ қабул қилиш пунктлари фаолият олиб борарди. Бироқ 1989 йилга келиб денгиз бир-биридан ажралган Жанубий (Катта) Орол ва Шимолий (Кичик) Оролга бўлиниб қолди. 2003 йилда эса Жанубий Оролнинг ўзи ҳам Шарқий ва Фарбий қисмларга бўлиниб кетди. Жанубий Оролдаги сувнинг шўрланиши шу даражага етдики, ундаги барча балиқлар қирилиб, артемия деб аталувчи айрим турдаги қисқичбакаларгина яшаб қолди. Денгизнинг 5,5 миллион гектардан иборат қуриган туби эса янги Оролқум саҳросига айланди. Ҳар йили ундан атмосферага 75 миллион тонна чаң ва заҳарли тузлар кўтарилади. Минтақадаги ўсимлик ва ҳайвонот генофондини яримдан қўпи йўқолиб кетди. Ўн бир турдаги балиқлар, 12 турдаги сўт эмизувчилар, шунингдек, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури барҳам топди. Қозогистоннинг Қизилўрда вилояти ва Ўзбекистоннинг денгиз ҳавзасидаги ҳудудлари экологик фалокат зонаси бўлиб қолди. Маҳаллий аҳоли ўртасида нафас йўли, буйрак ва жигар хасталиклари, камқонлик ва бошқа касалликлар кўпайди.

1993 йил январ ойида Оролни қўқариш халқро жамғармаси тўзлиб, Ўзбекистон,

саксовул ва бошқа бутали ўсимликлар кўчани етиштирувчи парваршихоналар вужудга келтирилди. Саксовулзорлар орасига терескен, чоғон, боялиш, қўнсуюк каби иссиқ ва совуққа чидамли ўсимликлар экилган. Бундан ўн-ўн беш йил бурун вужудга келтирилган ўрмонзорлар орасида галла етиштириш, қўй ва ўрдақ боқиш синаб кўрилмақда. Бундай сунъий ўрмонлар майдони йил сайин кенгайиб бормоқда. Яна юз минг гектарлаб қўмзорлар қиёфасини шу тарзда ўзгартириб, экологик мувозанатни тиклаш ва фаровонликка хизмат қилдириш мумкин.

Оролбўйидаги Жилтирбош ва Сувчўқ қўлларининг тикланиб олихаётга тўлдирилиши муайян даражада балиқчиликни ривожлантириш, одамларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Оролбўйида ичимлик сув сифатини яхшилаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савиясини кўтариш юзасидан амалга оширилган ҳукумат тадбирлари экологик фожиа асоратларини юмшатишда қўл келмоқда.

2008 йили Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва БМТнинг қўллаб-қувватлаши билан Тошкентда Орол муаммолари, унинг аҳоли, ўсимлик ва ҳайвонот олами генофон-

дига таъсири ҳамда экологик фалокат оқибатларини юмшатиш юзасидан ҳамкорликка амалга ошириладиган чора-тадбирларга бағишланган халқро анжуман ўтказилди. Анжуман доирасида ишлаб чиқилган ҳаракатлар режасига Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларга кўрсатиладиган ёрдам бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган дастурлар асос қилиб олинди. Уни ишлаб чиқишда Оролни қўқариш халқро жамғармаси Ижроия Қўмитаси, БМТ тизимидаги ташкилотлар, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа Иттифоқи, шунингдек, бир қатор донор мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари иштирок этди. Дастурда белгиланган 300 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган эди.

"Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида навбатдаги халқро конференцияни ўтказишдан кўзда тутилаётган мақсад ҳам халқро ҳамжамият кучлари ва маблағларини Орол денгизи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга йўналтирилган дастурлар ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий саъй-ҳаракатларга сафарбар этиш, шунингдек, мазкур экологик фожиа билан боғлиқ салбий оқибатлар таъсиридаги камайтириш бўйича халқро ҳамкорлигини янада ривожлантиришни таъминлашдан иборат.

Анжуман яқунлари бўйича халқро ҳамжамият томонидан Орол муаммосига янги-янги қараш ва аниқлаш шакллантирилиб, экологик вазиятни ўнглаш юзасидан аниқ тавсия ва режалар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ТАФАККУР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ташкил этилгач, педагогик ва илмий-ижодий фаолиятим бевосита шу олий ўқув юртида очилган хорижий журналистика факултети билан боғлиқ ҳолда кечди. Хорижий тилларни ҳам пухта эгаллаётган бўлажак журналистларга матбуот тарихидан сабоқ бераётиб, мазкур кафедр раҳбари сифатида миллий матбуотимиз тарихига доир барча манбаларни қайтадан ўқиб, қислаб, таҳлил қилиб чиқишимга тўғри келди. Албатта, бундай ўқув қўлланмалари яратишга уриниш собиқ тузум даврида ҳам бўлган. Бироқ уларда Ўзбекистон журналистикаси тарихини даврлаштириш, яхлит фан сифатида талқин қилишга собиқ мафкура манфаатлари асосида ёндоқилгани боис XX аср бошларидаги миллий матбуотимиз ҳақида бир ёклама, ноҳилис фикрлар билдирилган эди. Хусусан, Туркистон ўлкасидаги маҳаллий аҳолининг сиёсий онги масаласи атайин бўрттирилиб, янглиш ва чалқаш талқин этилганди. Ноҳилислик билан "куртак" ҳолидан нарига ўтмаган бошбивистик матбуот журналистика тарихи марказига олинганди. Ҳолбуки, бу даврда халқнинг онгли қисми — зиёлилар Ватан мустақиллиги, озодлиги орусиди эди. Шу боис улар юзага келган миллий озодлик ҳаракати-га қўшилдилар. Бу ҳодисани ҳисобга олмаслик тарихни сохта-лаштиришдан ўзга нарса эмас. Миллий матбуот тарихини ўрганишда ҳам бу жиҳатга ниҳоятда ҳолислик билан ёндашиш зарур бўлади.

— Дарсликда ана шу ижтимоий жараёнларга боғлиқ равишда шаклланган миллий матбуотимиз тарихини даврлаштиришда кўпроқ нималарга аҳамият қаратилди?

— Ўзбекистон журналистикаси тарихини таснифлаш, яъни даврлаштиришда бизга мустақиллик орусидидаги маърифатпарвар зиёлилар томонидан чиқарилган матбуот нашрлари - "Тараққий", "Хуршид", "Шўхрат", "Озие", "Тўжжор" газеталарининг мазмун-мундарижаси, уларда эълон қилинган мақолаларда илгари сурилган муаммолар моҳиятидан келиб чиқилди. Бунда мустақиллик тушунчаси бош мезон бўлиб хизмат қилди.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори каби маърифатпарвар сиймолар саъй-ҳаракати билан чоп этилган матбуот нашрлари, шунингдек, Туркистонда хусусий газета-журналлар, цензура ва телеграф агентликлари пайдо бўлиши қиёсий жиҳатдан ўрганилиб, тадқиқ этилди. Бухорода миллий матбуотнинг вужудга келишини ўрганишда кўпроқ "Бухорои шариф" ва "Турон" газеталарига таянилди. Туркистонда миллий матбуот тараққиётининг янги босқичи "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фаргона" газеталари, "Ойина" ва уламоларнинг "Ал-Ислох" журналлари фаолиятига боғлиқ ҳолда келган. Ўзбек журналистикасининг пойдевори ана шу тарзда юзага келган.

Шунга қўра, миллий матбуотимиз тарихини Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1870-1991 йил 31 август) ва Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси (1991 йил 31 августдан кейинги йиллар) каби даврларга бўлиб таснифлашни мақсадга мувофиқ тоғдик. Биринчи даврнинг ўзини ҳам "Россияда монархия ҳукмронлик қилган йиллар Ўзбекистон журналистикаси (1870-1917 йил феврал)" ва "Муваққат ҳукумат даврида Ўзбекистон журналистикаси (1917 йил март — 1917 йил ноябр)" каби қисмларга бўлиб ёритишга ҳаракат қилдик.

Муваққат ҳукумат даврида чоп этилган "Нажот", "Турон", "Кенгаш" сингари газеталарнинг саҳифаларида ёритилган мақолаларда озодлик, ҳуррият масалалари янада кучайганини кузатиш мумкин. Бинобарин, бугунги истиқлолимизнинг қадрини тарих заҳраварларини меҳр билан, кези келганда дард билан варақлаб, ўтмиш сабоқларини бугунги кун билан қислабган инсонгина теран идрок этади.

— Истиклол даврида яратилган адабиётларни мутлола қилиб фикри саяётган, онг ва тафаккурни шакллантирган, қалбига Ватан меҳрини жо этган бўлгуси мутахассислар миллий матбуотимиз тарихини мукамал ўрганиш билан бирга яхши журналист бўлиб ётишиш учун яна нималарга эътибор беришлари зарур, деб ҳисоблайсиз.

— Бўлгуси журналистларгина эмас, матбуот нашрларида фаолият юритаётган барча мутахассислар ҳам замондан орқада қолмаслик учун гоятда кенг тафаккур



соҳиби бўлишлари, ўз билимларини муттасил ошириб боришдан ташқари дунёда кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодисага истиқлолимиз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашиши, ўзи келган энг тўғри ҳулосани халқимиз, айниқса, ёшларимиз онги ва руҳиятига сингдиришда фаол бўлишлари керак. Бу йўлда Президентимизнинг барча асарлари, маъруза ва нутқларини мутлола этиб боришда катта хизмат қўраман. Ўртбосимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси, мамлакатимизнинг халқро масалалардаги қатъий позицияси биз таянадиган асосий манба, дастурилмайдир.

Бугунги ёшларимизда эркинликни ҳис қилиш туйғуси гоятда кучли. Уларда ҳаётга, атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил, янги-янги кўз билан қараш шаклланиши бизнинг катта ютуғимиз. Мен бўлгуси журналистларимиз, шу маънода, кимлардир ёзган ва шарҳлаган тайёр материалларни эмас, илк манба ва матнларни ўқиб бориши, таҳлил қилиши ва ўз фикрига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Ёшлар китобни, бадий адабиёт ва дарсликларни, матбуот саҳифалари, интернетдаги чиқишларни тушуниб ўқишлари керак. Миллатимиз, халқимиз, давлатчилигимиз тарихини яхши билиш учун ҳам ўтмишда яратилган илк манбаларни чаң ютиб ўрганишдан зерикмаслик керак.

Айни чоғда, яхши журналист бўлиб ётишиш учун адабиётни, ўзбек ва жаҳон адабиётини чуқур ўрганиш лозим. Ахир, дурдона асарларни ўқишдан кўра завоқли машғулот йўқ. Зеро, адабиёт катта муаллим. Чўнки журналистиканинг онаси Адабиётдир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

М. ЭШМУРАДОВ
суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2015 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2014 йилнинг 25 октябрдан 2015 йилнинг 25 январигача белгиланганини маълум қилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотиға қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқро микёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон микёсдаги энг илгор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);

— республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илгор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотиға қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқро микёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадий савиядаги шеърӣ, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиётини энг нодир асарларининг хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);

— замонавий ўзбек адабиёти ривожидида муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларнинг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотиға қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамо-

атчилик томонидан ҳамда халқро микёсда эътироф этилган, энг юксак бадий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);

— республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва иқдорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қоидага қўра, битта шахсга берилади. Давлат мукофотиға тавсия этилган ишда бир неча шахсонинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига факат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишни бажарилмишда қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотиға ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотиға кўрсатилаётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Музыка, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, қўрғазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтгач, тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотиға тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот томонидан тавсиянома хати ёзилади ва унда қуйидаги лар кўрсатилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

Кумуш ЎСАРОВА ҚИШЛОҒИМ

Сенми юракдаги ўзгача гурур,
Кўнглимнинг боғида очилган чечак.
Сендан узоклашсам, Андижонини
Соғингандек Бобур, соғинсам керак.

Болалигим бўйи уфурган тупроқ,
Онам кулчасини эслатар тандир.
Кўп жойга ҳавасим келади бироқ,
Дўстим, бизнинг қишлоқ қаери камдир.

Бобомнинг ҳассаси урилган йўлак,
Момоннинг дуосин кўтарган тоғлар.
Онам тикиб берган шу жажжи кўйлак,
Болалигим ўтган мевали боғлар.

Сенда туғилган бу оғаларимнинг
Ерга тегмайди ҳеч, қара, кураги.
Сен ўзингсан гўзал Ўзбекистоннинг
Жонига жон берган битта бўлаги.

ТОНГ

Кўзларим самога тикилар ногоҳ,
Саёҳат айладим кўнгли аршига.
Оҳ, нақадар гўзал, беғубор бу тонг,
Ҳаётнинг яна бир куни қаршимда.

Чигирткалар чириллаб, қурбақалар
қуриллади. Оғил тарафдан сигирнинг
инқиллаши, отнинг пишқириги эшити-
лади. Ота ва бола ёзининг фараҳли
кечасида, очик осмон остида, шифер
томли уйнинг олдида тушган супада
юлдузларга термулиб ётибди. Бола
тўлай деб қолган ойда тез-тез қараб
олади. Бошида саволлар гулжон
уйнайди. Лекин отасининг маюс ва
уйчан ётганини кўриб, пинжига тики-
лади-ю, гап қотишга ботинмайди.
Ўзига эътибор тортиш ва баҳонада
узрилиб қолган суҳбатни давом этти-
риш пайида отанинг деярли оқариб
қолган узун соқолини силайди. Ота-
нинг кўкка қадар етиб борган нигоҳ-
лари изига қайтиб, ҳаёли бўлинади.
Кенжасига ёнбош бўлиб ётади. Бола
имкониётни қўлдан бермайди:

— Ота-а?!

— Лаббай, тойчоғим.

— Оймомо юлдузларнинг энаси-я?

— Ҳа, улим.

— Унда отаси қаерда?

— Ишлагани кетган.

— Қачон келади?

— Эрталаб.

Бола яна юлдузларга термулиб
уйланиб қолади. Олас-элас қўринаёт-
ганларини яқинда тўққан Зийрак ити-
нинг нимжон боласига қиёслайди.
Кундузи Зийрак ҳар сафар болалари-
ни эмизиган келганда нимжон энаси-
ни эмолмай гингшиб қолгани эсига
тушиб, митти юлдузлар ҳам очликдан
ийглаётгандай туюлади:

— Ота-а?!

— Ҳов, улим... — кўзи
илинган ота кўл узатиб
боласининг бошини си-
лайди.

— Юлдузларга отаси нон олиб ке-
ладими?

— Ҳа, улим.

— Хўроққанд ҳам олиб келадими?

— Химм.

Бола беихтиёр лабини ялайди.
Энди юлдузларга ҳавасланиб қарай-
ди:

— Эрта менгаям хўроққандга пул
берасиз-а?

— Ҳа, улим.

ПАК ИН СУК, КОРЕЙС АДИБИ

МЕХР МАКТУБИ

Ҳар куни метронинг иккинчи йўна-
лишида бир ҳолат тез-тез такрорланиб
туради. Кийинишдан фирма ишчиси-
га ўхшайдиган бир киши бўш ўриндиққа
ўтирмай, атрофга аланглади. Шу пайт
бир қиз ёнидаги кампирга бўш ўринга
ўтириб олишини таклиф қилади. Худ-
ди шуни кутиб турган боғи киши қиз-
нинг олдида бориб, чўнтагидан нима-
дир чиқариб, унга узатади.

— Бу нима? — ажабланиб сўради
қиз.

— Бу сизнинг ҳозиргина қилган оли-
жаноб ишингиз учун.

Қисқагина жавоб берган киши ма-
тодан тикилган бежирим халтачани тақ-
дим қилганди. Унинг ичиде чиройли
қилиб тахланган қоғоз парчаси кўри-
ниб турарди.

"Сизнинг беғарас яхшилигингиз учун
бутун дунё номидан миннатдорлик бил-
дираман. Дунёда сиз қаби қалби пок
инсонлар бор экан, меҳр-муҳаббат ҳеч
қачон йўқолмайди. Сиз қабиларнинг
борлиги учун ҳам бу олам чароғон. Раҳ-
мат сизга."

Киши секин-аста одамлар орасида
гойиб бўлади.

Қизга берилган бежирим халтачани
тикиш учун катта меҳнат қилинган, ле-
кин бунинг кўнглига илиқлик берувчи
ўз тарихи бор. Бу ўша одамнинг касал-
лиги тўғрисида иккала кўзи ҳам кўрмай
қолган ёшгина ўғилчаси билан боғлиқ.

ЁШЛИК СУРУРИ

Секин чиқиб келар нуроний кўш,
Оймомо беркина аста мунгайиб.
Онажон, кечаги танти қизингиз,
Қаранг-а, бир кунга қолди улгайиб.

Шунчалар беғубор бўларми бу тонг,
Бошимда айланар бир кун режаси,
Қадимни тик тутиб турибман шундоқ,
Балки бу ҳаётнинг дарс натижаси.

Тонг, сени шундайин қарши олиман,
Ўзинг бўл кўнглимнинг кўзу қароғи.
Бугун очилади кўзим ўнгиде
Умр дафтаримнинг янги вароғи.

*Кумуш ЎСАРОВА 1992 йили Жиззах
вилоятида туғилган. "Ўлғайиш оstonаси"
номли шеърый тўплами чоп этилган. Ҳозир
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети халқаро журналистика
факултетининг 3-босқич талабаси.*

ДИЛАФРҲЗ АЙТБОЕВА

ҚИЗҒАЛДОҒИМ

Сени жуда соғиндим,
Келди анча кеч баҳор.
Йиллаб кўрмадим сени,
Кўнглимга тўлди гўбур.

Эсимда, бола эдим,
Ҳовлимиз чаман эди.
Бобом қизғалдоқларни
Жонидан севар эди.

Капалакдай ёнингда
Узмас эдим кўзимни.
Мағрурланиб турардинг,
Буриб қизил юзингни.

Узай десам, бобом дер:
"Қизим, унинг жони бор".

Менинг бобомга ўша
Бўлди охирги баҳор.

Англабман ўшанда
Сен ҳам дарҳол тўқилдинг.
Шу йилдан бошлаб нега
Бизни йўқламай қўйдинг?!

Бобом қабридан унган
Ёдусан қизғалдоғим.
Менинг кўнглимдан асло
Ўчмайди чирчоғим.

МЕНИНГ ЎЛКАМ

Ер юзини ахтариб,
Ўчманг дейман осмонга.
Жаннатни орзу қилган
Келсин бизлар томонга.

Қандай гўзал табиат!
Бизга бағрин очди.
Қаранг, ҳаттоки кўш
Ўзгача нур сочади.

Ҳар йигитда ўн полвон
Кучин кўрасиз, қаранг.
Қизлари мисоли хур,
Ишқиде ойлар гаранг.

Мени мақтанчоқ ёки
Лоф урди деб ўйлайсиз.
Кўриб ушбу маконни,
Булбул бўлиб қуйлайсиз.

*Дилафрўз АЙТБОЕВА 1995 йили Нукус
шаҳрида туғилган.
Бердақ номидаги
Қорақалпоқ давлат
университети
талабаси. "Истеъдод
мактаби" семинари
иштирокчиси.*

НОДИРА ЖҲРАЕВА

ОҚ КАПАЛАК

Ўлтирардим майсалар-ла ҳаёл суриб,
Олдимдан бир оқ капалак учиб ўтди.
Етолмадим узокларга уни қувиб,
О капалак, ҳаёлларим бузиб кетди.

Мен аслида майса ҳақда ёзмоқчийдим,
Ҳаёлларим қайларгадир қайтиб кетди.
Ариқдаги сувга мени термултириб,
Оқ капалак силаримни айтиб кетди.

ТАРОВАТ

Туннинг сочларини тўзғитиб шамол,
Ҳилолининг юзига тортади парда.
Бош чайқаб силласи қуриган дарахт,
Ойга мушт кўрсатиб қилади зарда.

Фақат булутларнинг ортида шодон,
Кўкда беркинмачоқ ўйнар юлдузлар.
Шамол ўйинқароқ боладай ҳамон,
Токларни турткилаб кўкка йўл излар.

Ёмғирлар йиқилиб тушади ерга,
Яланг оёқлари лойларга ботар,
Шу он тароватин таратганча тонг,
Кўшени самога чорлаб уйғотар.

*Нодира ЖҲРАЕВА 1994 йили Андижон
вилояти Марҳамат туманида туғилган.
2013 йилда "Истеъдод мактаби"
Республика семинарида қатнашган.*

ДИЛНАВОЗ НАЖИМОВА

ИССИҚ ҚУЛЧАЛАР

МАЗАЛИ

Ойижоним ёсалар,
Тонгда иссиқ қулчалар.
Олқинлайди шамолда
Тебранишиб гулчалар.

Ойижоним ёсалар,
Тонгда иссиқ қулчалар.
Қойил қолиб ҳаттоки,
Радио ҳам қуй чалар.

Ойижоним ёсалар,
Тонгда қайноқ қулчалар.
Шамол силар сочларин,
Яхши қўрар шунчалар.

Ойижоним ёсалар,
Тонгда иссиқ қулчалар.
Татиб кўринг силар ҳам,
Оҳ, мазали бунчалар!

АТИРГУЛ ИФОРИ

Боғимизда атиргул,
Очилди опақон.
Қизик, ранг ва ифори,
Қайдан олар — мен ҳайрон?

— Сенига айтсам ранг танлаш,
Табиатнинг дидидир.
Ҳидга келсан, боғбонлар,
Меҳнатинг ҳидидир.

Асл ва чин гўзаллик,
Меҳнат билан яралар.
Меҳнат қилган инсондан,
Шундай ифори таралар.

Опа мен ҳам гул экай,
Гулларим қулиб турсин.
Мендан ҳам атиргуллар,
Ифори келиб турсин!

Болалар бекаги

ҚАНДАЙ ОШ БЎЛАР?

Ҳар кун дейди буюмлар,
— Бошганингиз тош бўлсин!
Ҳатто шўрва исчан ҳам,
Қани, олинг ош бўлсин!

Ҳайрон қолдим ўртоқжон,
Бош ҳам тош бўладими?
Лаганга сузилмаган
Шўрва ош бўладими?

ТАРЖИМОН ТЎТИ

Бизнинг митти Тўттой
Бўлмоқчи зўр таржимон.
Янги сўзларни ёллаб,
Юрар қараманг қачон.

Таржимонлик орзуси
Кириб чиқар тушларга.
Одамларни гапини
Айтмоқчимиз қушларга.

БАНАН БИЛАН СУҲБАТ

— Юзинг сарғиш қаддинг дол,
Нима бўлди Бананой?
Ё шамоллаб қолдингми,
Мазанг йўқдир ҳойна-ҳой?

— Йўғ-е мазам жойида,
Ҳеч камчилик демасман.
Дарзахимни соғиндим,
Ўз уйимда эмасман.

*Дилнавоз НАЖИМОВА 1998 йили
Бўстонлиқ туманида туғилган. Тошкент кимё
технологиялари институти қошидаги Чирчиқ
академик лицейи хорижий филология
йўналишининг 1-босқич ўқувчиси.*

чиқиб кетибди. Мана, бугун ўзи шу
савол қаршида турибди. Ҳа, демак,
саволлар ҳам қаримас экан-да. Лекин
нимадир деб айтиши керак. Бўлмаса
ўғли хафа бўлади.

— Улар яқин дўст. Уларнинг шунча-
лик бағри кенги, бир-бирининг осмо-
нига ўтмайди. Яъни, кечаси бири, кун-
дузи бири. Кейин, одамларни яхши кўра-
ди. Шунинг учун учрашмайдилар. Ос-
монда ой бўлса, ҳеч қачон кўрмагин...

... Атрофга сукунат чўқади. Боланинг

*Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ 1984 йили туғилган. ЎзМУнинг ўзбек
филологияси факултетида таълим олган. Айни вақтда "Ishonch"
газетасида ишламоқда.*

топган ишлари — яхшиликлар эвазига
миннатдорлик ифодаси бўлмиш "Меҳр
мактуби" эди. Хотини тикиш машина-
сида халтача тикар, ўғли эса компю-
терда ёзилган мактубни унга жойлаш-
тирарди. Оиланинг юрак кўри билан
тайёрланган бу совға яхшилик қилу-
чи инсонларга аталган эди.

Ота ҳар кунгидек сумкасини халта-
чаларга тўлдириб уйдан чиқди. Метро
бекатига келганда, унинг кўзи яна
одобли болага тушди. Бу - елкасида
огир юк кўтариб, қийналиб йўлда ке-
таётган кампирга ёрдамга шошилган
мактаб ўқувчиси эди.

— Бувчинон, юкингишни менга бе-
ринг, мен кўтараман.

— Вой, сендай меҳрибон болаларим
бор бўлсин! Раҳмат сенга, — енгил тин
олди кампир.

Ўша киши оиласи билан биргалик-
да тайёрлаган меҳр мактубларидан би-
рини сумкасидан чиқариб, болага бер-
ди. Шундай қилиб, яна бир мактуб ўз
эгасини топди.

Каерда бўлишидан қатъий назар,
ўзгаларга заррача бўлса-да фойдаси
теккан инсонларни излаб юрган бу
киши меҳр мактубини бериш учун,
уларга бутун дунёнинг ташакурнома-
сини етказиш учун яшаётганлардан-
дир. Гарчанд, бу шунчаки бир қоғоз-
даги оддий сўзлар бўлса-да, кимлар-
гадир озгина шодлик улашиш унинг
учун улкан бахт билан баробар бўлиб
қолган эди.

**КОРЕЙС ТИЛИДАН
М.ГАФФОРОВА таржимаси**

*Малоҳат ГАФФОРОВА 1991 йили туғилган. Самарқанд
давлат чет тиллар институти 4-босқич талабаси.*

“ГУҲАРИ ШАРИФРОК ЙЎҚ ОНДИН...”

Муносабат

Инсон ҳаётида тилнинг аҳамияти ҳақида гап кетганида
қўпинча Алишер Навоий бобомизнинг: "Инсонни сўз айла-
ди жудо ҳайвондин, Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин",
деган машҳур мисраларини ёдга оламиз. "Маҳбуб ул-
қулуб" асарига айтилган байтининг янада таъсирироқ шакли
айтилади: "Одаме тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур
ва ҳам анинг била сойир инсонга сарафроз бўлур".

Глобаллашув жараёни кечаётган даврда она тилини ас-
раш, ривожлантириш ҳар
қачонгидан жиддийроқ
эътибор талаб қилмоқда.

Ахир, тенгдошларимиз-
нинг ўзбекча сўзларни ажа-
набий оҳангларда талаф-
фуз этаётгани, миллиати-
мига ҳоз кадимки исмларнинг бошқа тилларга тақлидан
қисқартириб айтилаётгани, турли ёзишмалардаги имло ха-
толарига бефарқ қараётганимиз салбий оқибатларга олиб
бормайди? Айниқса, интернетда ўғил-қизлар ёзаётган
хатлардаги қўпол хатолар, СМСлардаги пала-партишлик-
лар тилга эътиборсизлик эмасми? Интернетда кундан кунга
кўпаяётган сайтларнинг ўзбек тили имло қоидаларига бе-
писанд қараётганини кечириб бўладими?
"Энди, интернет бизда ҳали нисбатан янги
тармок, келгусида бундай камчиликлар йўл-
йўлакай йўқолиб кетади", деган таскин кўнгли-
га хотиржамлик беролмайди. Сабаби, ана шу янги тармок-
дан кўплаб ўғил-қизлар фойдаланяпти. Ундаги имловий
хатолар, ғализ жумлалар бутун бошли бир авлоднинг са-
водига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Ўзбек тили қоидаларига беписандлик оммавий ахборот
воситаларида ҳам кўзга ташланаётгани кишини янада таш-
вишлантиради. Яқинда телевизордаги бир кўрсатувда жур-
налист қиз тозалликка рияз этилмаган ҳудудларни танқид
қилаётиб "бир пайтлар боболаримиз бу зовурлардан сув
ичишган" жумласини бемалол айтиб ўтди. Билишмича, зо-
вурлар сув ичиш учун эмас, сизот сувларни чиқариб таш-
лаш мақсадига дала-майдонлар четларида қазилади. Ас-
лида, журналист анҳор ёки ариқлар ҳақида гапирмоқчи
бўлгандир. "Кинотеатр" телеканалда қўйилган Жеки Чан
иштирокидаги "Смокинг" фильмида захарли сув ҳақида га-
пираётган мутахассис мазкур суюқлик инсон танасидаги

ҳар бир "катакча"га таъсир этишини гапирарди. Аслида, ўша
ўринда ҳужайра (рус тилида "клетка") назарда тутилгани-
ни англаш қийин эмас.

Тарихга эътибор берсак, ота-боболаримиз тил қоида-
ларига ғоят ҳурмат билан қараганига исталганча мисол-
лар топиш мумкин. Масалан, дунёга машҳур "Бобурно-
ма" асарига Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўғли Ҳумоюн-
нинг хатидаги хатоларни жиддий танқид қилади: "Яна мен

айтгандек, хатларингни
ёзиб бўлган, уларни қайта
ўқимайсан, чунки ўқишга
ният қилганингда ҳам ўқий
олмасдинг. Ўқий олмага-
нидан сўнг, албатта,
ўзгартирган бўлардинг.

Хатингни қийналиб ўқиса бўлади, лекин у жуда чалқаш.
Насрда ҳали ҳеч ким муаммо кўрган эмас. Гарчи унча тўғри
бўлмаса ҳам имлоинг ёмон эмас. "Илтифот"ни "то" би-
лан, "қулунж"ни "ё" билан битибсан. Хатингни бир амал-
лаб ўқиса бўлади, лекин тушунарсиз сўзларни қўлла-
ганидан мақсадингни тўла тушуниб бўлмайди. Эҳтимол,
хат ёзишга сулғилинган шундандир. Жимжимадор сўзлар-
ни битмоқчи бўласан, шу боис тушунарсиз
чиқади. Бундан кейин такаллуф қилма, рав-
шан ва аниқ сўзлар билан ёз. Сенга ҳам, ўқув-
чига ҳам ташвиш камроқ бўлади". ("Бобур-
нома"нинг ҳозирги ўзбек тилига таълифидан.) Бундан беш
аср аввал айтилган пандлар бугунги кунда ҳам ўз аҳа-
миятини заррача йўқотган эмас.

Устоз Абдулла Қаҳҳор "Нега йўл қоидасини бузган ки-
шига жарима солинади-ю, тил қоидасини бузганга ҳеч қан-
дай чора қўрилмайди", дея қайғургани бежиз эмас. Худди
шу фикрнинг мантикий давомини Ўзбекистон халқ шоири
Тўра Сулаймон "Сенсиз ёлғиз фариб бўлдим" китобидаги
"Тил - ўзагимизнинг, ўзлизимизнинг, ўзига бекигимиз-
нинг бош белгиси" мақоласида ҳам айтиб ўтилган.

Абдулла Қаҳҳор ва Тўра Сулаймонлар тақлифи амалда
жорий этилса, чиндан ҳам, тилга ҳурматсизлик, саводсиз-
ликлар камаярмиди?

Муштарий САЙФИДИНОВА,

Наманган шаҳридаги педагогика коллежининг

2-босқич ўқувчиси

КИНОНИ... АДАБ БЎЛМАЙДИ

(“ЎЗАС” 2014 йил, №42.)

Кино мавзуи ҳамиша санъат ихлосмандлари орасида турли баҳсларга сабаб бўлиб келган. Узоққа бормайлик, мамлакатимиздаги деярли барча оммавий ахборот воситаларида кино санъатимизда кечаётган жараён, янги суратта олинган филмлару актёрлар ижодидagi янгиликлар мунтазам ёритиб борилади. Аммо ахборот майдонида пайдо бўлаётган бу каби фикр-мулоҳазаларнинг барчасида долзарб масалаларга мурожаат қилинмоқда, дейиш қийин.

Гоҳида кино санъатининг асл мазмунидан беҳабар телебошловчилару санъатшунослик илми ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга бўлмаган қаламқашлар “Ижод этган” кўрсатув ва мақолаларга дуч келганимизда, “наҳотки бизда кино санъатини профессионал даражада таҳлил қилишга қодир мутахассислар бўлмасан?” деган савол уйғонади.

“Изланишлар палласи” сарлавҳали давра суҳбатини мутлоа қилар эканман, миллий киномизда долзарб аҳамиятга эга бўлган талайгина саволларга жавоб топгандек бўлдим. Биринчи навбатда, шунинг таъкидлаш керакки, давра суҳбатидида замонавий кино санъати ҳақида ҳолис, маълум бир ижодий бирлашмалар ёки студиялар манфаатидан келиб чиқмай фикр билдирилган. Асосийси, унда киномани чуқур тушунишга қодир профессионал ижодкор ва мутахассисларнинг таҳлилий, кенг муҳофадага қаровчи мулоҳазалари жамланган.

Назаримда, мутахассислар сценарий муаммосига кўпроқ эътибор қаратишган. Ваҳоланки, ўзбек киносидида ураётган муаммоларнинг салмоқли қисми айнан актёр маҳорати билан боғлиқ эканини ҳам унутмаслик лозим. Ахир, драматургининг ўй-ғояларини, режиссёрнинг кўрсатма ва ечимларини айнан актёр амалга оширади. Ғарбда актёрга режиссёр билан тенг мақомда, вақти келганда эса ундан-да устун ижодкор сифатида муносабат билдирилишининг сабаби ҳам шунда.

Давра суҳбати иштирокчилари орасида актёр Фахриддин Шамсиматов мазкур муаммага жиддий эътибор қаратган. Ижодкор бадий филмлар савиясига таъсир қўрсаётган омиллар ҳақида сўз юритаркан, бугун филм суратга олиш учун жуда қисқа вақт ажратиётганларга урғу беради. Табиийки, бундай иш услуби, биринчи навбатда, актёр учун қийинчилик тудиради. Унда рол устидида изланиш туғул, қаҳрамони яшайдиган муҳитга мослашишга ҳам вақт етмайди. Бадий филмлар синовсиз, тайёргарликсиз суратга олиниши қандай оқибатга олиб келиши эса барчамизга маълум. Бир марта томоша қилиш майли, ярмича ҳам кўриш мушкул бўлган саёз “филм”лар бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетиши аниқ. Бундай филмлар хорижда юқори баҳо олишига умид қилиш мушкул. Холбуки, номини географик хариталарда ҳам учратиш қийин айрим хориж шаҳрларида ўтказилган фестивал ва танловларда совригач сазовор бўлаётган филмларимизни, “Оскар”, “Кан”, “Венеция” каби анжуманларда номзод бўлган картиналар билан солиштириб бўлмайди.

Филм яратиш учун етарли даражада вақт ажратилиётгани жиддий мулоҳазага қарайди. Бугун ўзбек киносидида учраётган муаммоларнинг асл сабаби шунда эмасмикин. Масалан, Ғарбда бирор филм яратилса, унинг тақдироти ўтказилган аввал, асарни суратга олиш ишлари қайси мамлакат-

ларда кечгани, қанча маблаг ва вақт ажратилгани ҳақида батафсил маълумот берилди. Бундан ташқари, маълум бир вақт ўтгандан сўнг интернет саҳифаларида ушбу филм муҳлиси ва мутахассислар орасида қандай баҳо олгани, намойишлар чоғида қанча даромад қўлга киритгани борасида мукаммал маълумот олиш мумкин. Бизда эса ҳатто давлат маблағига суратга олинган картиналар учун қанча вақт сарфланиб, уни қанча одам томоша қилгани, ва энг муҳими, қандай фикр билдирилганини аниқлаш мушкул. Табиийки, юқоридаги омилларнинг барчаси актёр ижодида қараб рол ажратилаётгани билан боғлиқ.

Нега бизда комик ёки драматик қаҳрамонлар қилишга тушиб қолган актёрлар кўп?”, деб ажабланамиз. Эҳтимол, бунинг сабаби, актёрларни қайта кашф этиш ўрнига, осонгина ташқи белгиларига қараб рол ажратилаётгани билан боғлиқ.

Нега бўлганда ҳам “актёрлик ижроси” дея аталувчи улкан санъатга эътиборсиз қараб бўлмайди. Актёрнинг вазифаси сценарийни ёдлаб олиб, кинрик қўқмай нотиклик қилишдан иборат деб, ўйласак адашамиз. Кино актёрлари олдида янги талаблар қўя билиш керак. Зеро, бугун замонавий актёр изланувчан бўлиши талаб этилмоқда. Масалан, таниқли Голливуд актёри Том Круз “Сўнгги самурай” филмидаги ёлланма зобит образини ижро этиш учун икки йил давомида Японияда яшаб, японларнинг урф-одат ва аъёнларини чуқур ўрганган. Натижада “Сўнгги самурай” Т.Круз ижодидида энг ёрқин филмлардан бирига айланди. Ана шундай маҳоратни биз Нозим Тўлаҳўжаевнинг “Илова” филмидаги образидида ҳам кўрган эдик. Экранда шу қадар мураккаб психологик кечинмалар акс эттирилганки, одамда актёр ҳаёт ва кино ўртасидаги чегарани ўйқотиб қўйганмикин, деган ҳадик уйғонади. Афсуски, бир қанча халқаро анжуманларда нуфузли совринларга лойиқ топилган “Илова” филми на ўзбек томошабинларида ва на мутахассисларимиз орасида жиддий эътиборга сазовор бўлгани йўқ.

Назаримда, Ф.Шамсиматов актёр маҳоратини белгилаб берувчи яна бир муҳим омилга эътибор қаратиш лозим эди. Яъни, бўлажак кино актёрлари бугун қандай тарбияланмоқда? Умуман, ўзбек киносидида актёрлик мактабига эгами?

Ушбу саволларга жавоб топиш учун олий маълумотли кино актёрлари тайёрланадиган Санъат ва маданият институтидаги таълим жараёнига назар ташлаш лозим. Давра суҳбатида Ф.Шамсиматов “Актёр ўз маҳоратини қандай оширади?” деган долзарб саволни ўртага қўяди. Ҳўш, санъат олий гоҳида талабалар қандай қилиб бу ишнинг уддасидан чиқади? Ахир, барча замонавий талабаларга жавоб берадиган суратга олиш майдони, плёнада ишлайдиган чинакам кинокамера про-

фессионалликка даъво қилаётган хусусий студиялар учун ҳам анқонинг уруғига айланган-ку. Очигини айтганда, яқин орада кино актёрлари учун бирорта дарслик ёки қўлланма чоп этилганини эшитмаганмиз. Ажабланиш жихати шундаки, театр актёрлари сингари кино актёрлари ҳам ҳамон “Станиславский системаси” асосида тарбияланишда давом этмоқда. Ваҳоланки, мазкур система ўйлаб топилганга бир аср бўлди. Бу давр оралиғида театр ҳам, кино ҳам озмунча ўзгаришни бошдан кечирдимиз. Биз бу билан машхур саҳна дарғасининг тажрибаси яроқсиз, деб таъкидламоқчи эмасмиз. Эҳтимол, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида — собиқ иттифоқ мамлакатларида суратга олинган филмлар театр томошаларини ёдга солган даврда бу система кино актёрлига асқотган бўлиши мумкин. Аммо ҳозир, Кэмерон сингари таниқли режиссёрлар ҳатто жонли актёр ижросидан воз кечаётган даврда биз Европа театри деярли унутиб бўлган аъёнларга суяниб, моҳир кино актёрларини тарбиялай олмаимиз. Шу ўринда яна бошқа бир савол пайдо бўлади: Ўзи кино актёрларини том маънода институтда вояга етказишнинг имкони борми? Ҳатто ўша Станиславский ҳам актёрларни театрлар қоридида студияларда тарбиялаганига нима дей-

Акс садо

сиз. Шундай экан, тўрт йил давомида суратга олиш майдони нафасини ҳис этмаган, бироқ филмда рол ўйнашга ошиққан ёшларнинг жангга қуролсиз юборилган аскарлардан нима фарқи бор! Уларнинг ижодий тақдир қандай яқун топилиши тасаввур қилиш қийин эмас. Машхурлик даражасини кўтариш илҳижда қуйиб-ёнаётган эстрада хонандалари сингари улар ҳам ўйлаб-нетмай пайдар-пай суратга олинаётган саёз тижорат филмларининг рамзий маънодаги “қурбонига” айланади. Охир-оқибат эса барча айб драматургларга, киноманинг гўё режиссёрлардан бошқа ҳеч ким тушунмайдиган ғаройиб тилига қулоқ солишни истамаган ёзувчи ва шоирларга ағдарилади.

Мирмақсуд Охуновнинг “Жаноб ҳеч ким” филми экран юзига чиққанда кўпчилик, ўзбек киносига Алишер Ҳоқоний сиймосида янги, истеъдодли актёр кириб келганини таъкидлаган эди. Холбуки, бу башорат амалда ўзини оқламади. Тўғри, А.Ҳоқоний қисқа вақт ичидида тижорат киносидида юлдузига айланди. Хусусий студиялар суратга олган беҳисоб филмлардаги бачкана ижролар, қилинган айланма улуғурган қиёфалар актёр маҳоратининг ўсишига имкон бердики. Афсуски, биз бунинг ақсини кўрдик.

Кино ҳозирда мавжуд санъатлар орасида синтетик хусусияти энг кучли бадий ижод туридир. Филмнинг бадий оламига таъсир қўрсутовчи омиллар эса жуда кўп. Улар бир-бири билан занжир каби узвий боғланган. Актёр ҳеч қачон кўйроққоқбос истаса юлдузга айланадиган Буратинога ўхшаб қолмаслиги лозим. Актёр ҳам режиссёр сингари эркин ижод қилиши, ўз принципларига эга бўлиши муҳим. Актёрлар ҳудди хусусий филмлар каби йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, улар миллий кино бозоридида хориж ижодкорларининг қурагини ерга теккизмасда, деб барчани ишонтиришга ҳаракат қилишимиз мумкин. Бироқ истаимизми-йўқми, КИНОНИ, ундан кейин ТОМОШАБИНИ алдай олмаимиз. “Ўзбек” деган долзарб саволни ўртага қўяди. Ҳўш, санъат олий гоҳида талабалар қандай қилиб бу ишнинг уддасидан чиқади? Ахир, барча замонавий талабаларга жавоб берадиган суратга олиш майдони, плёнада ишлайдиган чинакам кинокамера про-

Азиз ИМОВОВ

Ҳар бир давр ўз шоир ва ёзувчилари, тарихчи ва адабиётшуносларини яратади. Бахтимизга, шундай ижодкорлар ва олимлар ҳам бўладиларки, уларнинг асарлари даврлар чорраҳасида йўқолиб қолмай, яшашда, халққа хизмат қилишда давом этади.

Камина атоқли адабиётшунос олим Ҳамидулла Болтабоевнинг вақт-матбуот саҳифаларида, илмий журнал ва адабий тўпламларда, хорижий нашрларда чоп этилган ўнлаб тадқиқотлари, сўнгсўз сифатида босилган мақолалари, халқаро ва мамлакат миқёсида ўтказилган анжуманларда ўқилган маърузаларига кўз ташлар эканман, уларнинг бирортаси даврнинг ўтқинчи мавзу ёки масалаларига бағишланмаганини кўриб, олимга хурматим янада ошди.

Бўлажак олим ўқитувчилик йилларида “Ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиб, Ҳимоя қилди. Шундан кейин ўн беш йилча Чўлпон номидаги Андижон давлат тиллар педагогика институтидида

дан бири бўлди.

Шундай серкирра ва сермахсул адиблар асарларида тилга олинган тарихий воқеалар, фактлар, шахслар, асарлар, бу асарлар тилида истифода этилган эски туркий, арабий ва форсий сўзларга изоҳ ва шарҳлар бериш учун ойлаб кутубхоналарда эски китоб ва газеталар чангини ютиб ишлаш зарур бўлади.

Ҳ.Болтабоевнинг “Адабиётшунослик ва структурал методлар” (2002), “Тасаввуф тарихида чиштйлик тарикати” (2006), “Модернизм ва янги ўзбек шеърлиги”, “Куёшни кутган кеча” (2007), “Янги назарий тамойиллар” (2008), “Янгилаётган адабий жараён”, “Фарҳод ва Ширин номлари генезисига доир” (2009)

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ УҒҚЛАРИ

ўқитувчи, рус ва хорижий халқлар адабиёти кафедрасида мудир лавозимида фаолият олиб борди. 1996 йилда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашда XX аср бошларида ўзбек адабиётшунослиги тадқиқига бағишланган докторлик диссертациясини Ҳимоя қилди.

Ҳ.Болтабоев Ҳабибий, Сайфий сингари шоирлар иззатда бўлган муҳитда улғайгани учун унга арабий ёзув бегона эмасди. Аксинча, бу ёзувнинг ислоҳ қилинган ва ислоҳ қилинмаган шакллари кунт билан ўрганди.

Дилига ўтган аср бошидаги маърифатпарвар адиблар меросини ўрганиш ниятини туккан тадқиқотчи уларнинг хорижий мамлакатлар кутубхоналарида сақланаётган қарийб барча асарларидан нусха қўчириб олди. 1990 йили “Ёшлик” журналида айни мавзуда мақоласи ва тараққийпарвар адиблар асарлари рўйхатининг ёш тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмиди воқеалардан бири бўлди. Шундан кейин Ҳ.Болтабоев “Талабни қондирмаган инқилоб”, “Надир Ватан ишқи”, “Сайҳа” қисматидан лавҳалар...”, “Юрт қайғуси” (1991) сингари мақолаларини эълон қилиб, адиблар мероси маърифатпарвар адиблар мероси билан таништиришга киришди, асарларини табибли, сўзбоши ва изоҳлар билан, айримларини эса ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирди. Олимнинг бу ишлари илмий, маданий ҳаётдаги муҳим воқеалар

сингари янги илмий ғояларга бой мақолалари касбдошларини янги-янги ижодий изланишларга ундади, 50-йилларда ҳаракатдан тўхтаб қолган миллий адабиётшунослигини истиклол даврига келиб янги уфқлар сари қорлади.

Нидерландия, Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғистон, Мўғулистон, Россия, Япония сингари мамлакатларда ўтказилган халқ-

аро илмий анжуманларда муҳим илор аҳамиятга молик мавзуларда ўқиган маърузалари орасида “Марказий Осиёда “Дору-л-ислом” тушунчасининг тадрижига доир” (Киото, 1999), “Ўзбек тили генезиси ва унинг тараққиёти” (Улан-Ботир, 2010), “Корей ва ўзбек адабиётларидаги “пхесоль” ва “кисса” жанрларини типологик ўрганиш” (Тошкент, 2011), “Хоразмшоҳ-ануштегинлар давлати” XI-XIII асрлардаги Марказий Осиёнинг адабий манбаи сифатида” (Боку, 2012) сингари кам ўрганилган, ранг-баранг мавзуларга бағишланган чиқишлари йирик шарҳунос олимларга хос қўламадорлиги, илмий теранлиги ва турли фанларнинг кесишган нуқталарига зукко назар ташлангани билан ажралиб туради. Шу сабабли бу маърузалар хорижий тарихчилар, адабиётшунослар, тилшунослар томонидан қизгин қутиб олинди. Олимнинг 2009 йилда Чанокқалъа (Туркия)даги 18 Март университетига фахрий доктор, Москва (Россия)да-



ги Халқаро эстетика ва эркин санъат ижтимоий академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланиши, Чингиз Айтматов номидаги Иссиққўл форумига аъзо, Корея ва Туркиядаги илмий журналларга тахририят аъзоси этиб тасдиқланиши, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссияси, Республика Фан ва технологиялар маркази қошидаги филология фанлари бўйича тузилган экспертлар кенгашлари-

га бир неча йил мобайнида раислик қилиши у эришган обрў ва эътиборнинг ёрқин белгисидир.

Олимлар, одатда, икки тоифага бўлинади. Агар биринчи тоифа вакиллари фанда муайян кашфиёт ёки катта илмий қимматга молик асарни яратганларидан сўнг шу хизматларининг “соясиди”да умргузаронлик қилсалар, иккинчи тоифа вакиллари ором нималагини билмай, худди альпинистлар

сингари навбатдаги юксак чўққиларни забт этиш иштиёқи билан яшайдилар. Ҳ.Болтабоев иккинчи тоифага мансуб тиним билмас, ҳақиқий олимлардан биридир. Ҳамиша янги илмий ғоялар ва янги ижодий режалар билан яшаётган олим шу кунларда иккита улкан лойиҳа устидида иш олиб бормоқда. Шулардан бири “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” (М.Махмудов билан ҳамкорликда) бўлиб, ҳозир унинг 1-жилди нашрдан чиқди. Иккинчиси эса олим раҳбарлигида тайёрланган ва 1-жилди босмадан чиқиш арафасида турган “Адабиёт энциклопедияси”дир. Шу кўп жилдлик нашрларнинг амалга оширилиши ижтимоий-гуманитар фанлар билан шуғулланаётган, айниқса, шу кутлуг даргоҳга кириб келаётган авлодлар билимининг бойишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

“САОДАТ”

2014 йил, 5-6-сонлар

Журналнинг ушбу қўшма сони Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бағишланган суҳбат билан очилади. Унда таниқли журналист Кутлибека Раҳимбоевнинг долзарб саволларига Қўмита раиси Э.Боситхонова жавоб берган. Тарих ҳақидаги мақола муаллифи, Филология фанлари доктори Наим Каримов “Саодат” журналининг биринчи бош муҳаррири Собира Холдорваннинг ҳаёти ҳақида далиллар билан батафсил ҳикоя қилади. Ёш чемпионлар Жаҳоир ва Исомбек Синдоровнинг буваси Комилжон Синдоров билан бола

тарбиясига оид қизиқарли суҳбат ёш оилаларга ибрат бўлиш шубҳасиз. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёвнинг “Гулдай тансиқ экан ҳаёт” туркум шеърлари адабиёт муҳлисари учун аjoyиб тўхфа бўлади. Аёлларнинг жамиятда



ўз ўрнини топиши ҳақида ҳикоя қилувчи “Кўнглимдай кўнгли қайда?” номли бадиа ўқувчиларни ўйлантириши табиий. “Кўнглига ташриф” руҳида берилган таниқли актриса Райхон Уласенова билан суҳбат ҳам санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди. “Исми жисмига яраша”, “Қишлоқ маслаҳатчиси” каби лавҳаларда маҳалла жонқуярларининг ибратли фаолияти ёритилса, “Истиқлол ёшлари” руҳи остида мамлакатимизда спорт, кимё, математика, санъат ва адабиёт соҳаларида катта ютуқларга эришаётган лоббар қизларимиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. “Наср” руҳида истеъдодли адиба Маъсума Аҳмедованинг “Мангу най” номли янги қиссасидан парча берилган. Қришан Чандарнинг “Аёл қалби” ҳикояси Амир Файзулла таржимасида аёл қалбини нурланган

лари чиройли баён қилинган. “Билиб қўйган яхши”, “Пардохона”, “Чевархона”, “Шифокор маслаҳати”, “Дунёга машхур хотинлар” сингари руҳлар остида берилган материаллар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Журналларни варақчада

БОБУРИЙЛАРДАН БИР САДО

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида XVI асрга оид икки юздан ортқ ноёб меъ тангалар аниқланди. Ўзтиборли жиҳати, текширув натижалари мазкур тангалар Бобурийлар сулоласининг буюк ҳукмдори Акбаршоҳ даврида муомалага киритилганини кўрсатди. Археология институти мутахассисларининг фикрича, улар “пайса” деб номланиб, 1573-1600 йиллар оралиғида Лаҳор, Аҳмадобод ва бошқа шаҳарларда зарб этилган. Пайса — бобурийлар даврида кенг тарқалган пул бirligi ҳисобланади. Иштихондан топилган тангалар миқдори XVI асрда тахминан уч кумуш рупийга тенг бўлган.

Ҳиндистонда зарб этилган тангаларнинг юртимиз ҳудудига учраши, албатта, тасодиф эмас. Зеро, Мовароун-н-нор ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқалари Бобурийлар даврида кенг ривожланган. Тарихий манбаларда Бобурий



Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

ҳукмдорлар Амир Темури мақбарасини таъмирлаш учун катта маблаг ажратгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётган айна даврда, юқоридаги тарихий топилма халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари нақадар бой тарихга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

ИТАЛЯН ТИЛИ ҲАҒТАЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида дунё мамлакатларида кенг ўтказилаётган XIV италян тили ҳағталиги доирасида маданий кеча ташкил этилди. “Ўзбекистон-Италия” дўстлик жамияти ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир таниқли шоир ва ёзувчилар, маданият арбоблари, шунингдек, италян тилини ўрганаётган ёш мутахассис ҳамда таржимонларини жамлади.

Кеча тасвирий санъат асарлари ҳамда италян ижодкорларининг китоблари уйғунлигидаги қизиқарли кўргазма билан бошланди. Тадбирда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри хонандалари иштирок этиб, Пуччи-

ни, Верди, Россини каби буюк италян композиторларининг асарларини ижро

этишди. Кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таъкидлаб ўтганидек, италян санъати, адабиёти халқ маданияти хазинасидаги энг нодир жаҳоирлардир. Ўз даврида Шарқ оламида улакан маънавий озиқ олган Уйғониш даври ижодкорлари яратган машхур асарлар эндиликда ўзбек санъаткорларига илҳом бағишлаб келмоқда. Ҳамкорликда ташкил этиладиган маданий кечалар эса маънавий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ МАЁҒИ


Хитойнинг нуфузли “Женьминь Жибао” нашрида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига бағишланган мақолалар туркуми эълон қилинди. Газетанинг илк саҳифаларидан ўрин олган “Бухоронинг Буюк Ипак йўли тарихидаги ўрни” сарлавҳали мақолада Шарқ оламида шухрат қозонган қўхна шаҳарнинг тарихи, унда яшаб ижод қилган буюк сиймолар ҳақида сўз юритилади. Мақолада Сюань Цзан, ибн Баттута, Марко Поло каби машхур сайёҳлар ёзиб қолдирган қимматли маълумот-



лардан ҳам кенг фойдаланилган. “Буюк Ипак йўли маёғи” номли мақолада эса Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарларнинг меъморий хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот бери-

лади. Унда Хива ва Бухоро шаҳарларидаги бетакор обидаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада қадимда савдогарлар алоқа воситаларига эга бўлмагани, юксакка бўй чўзган миноралар улар учун ўзига хос маёқ вазифасини бажаргани эътироф этилади.

“Женьминь Жибао” саҳифаларидан қадимий шаҳарларимизнинг бетакор жозибасини намойиш этувчи фотосуратлар, қизиқарли репортаж ва суҳбатлар ҳам ўрин олган. Хитойлик мутахассислар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари борасида сўз юритарканлар қадимда кўплаб халқларни боғлаган Буюк Ипак йўли ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмагани, Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи савдо йўллари бугунги кунда катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.



лардан ҳам кенг фойдаланилган. “Буюк Ипак йўли маёғи” номли мақолада эса Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарларнинг меъморий хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Унда Хива ва Бухоро шаҳарларидаги бетакор обидаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада қадимда савдогарлар алоқа воситаларига эга бўлмагани, юксакка бўй чўзган миноралар улар учун ўзига хос маёқ вазифасини бажаргани эътироф этилади.

“Женьминь Жибао” саҳифаларидан қадимий шаҳарларимизнинг бетакор жозибасини намойиш этувчи фотосуратлар, қизиқарли репортаж ва суҳбатлар ҳам ўрин олган. Хитойлик мутахассислар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари борасида сўз юритарканлар қадимда кўплаб халқларни боғлаган Буюк Ипак йўли ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмагани, Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи савдо йўллари бугунги кунда катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.

ХАЛҚАРО КИТОБ ЯРМАРКАСИ

Германиянинг Франкфурт шаҳрида йирик халқаро китоб ярмаркаси бўлиб ўтди. Аънавий тарзда ўтказиб келинадиган ушбу тадбирда юздан ортқ мамлакатдан етти ярим мингга яқин компания ўз маҳсулотларини намойиш қилди. Жаҳоннинг нуфузли китоб ноширларини жамлаган анжуманда мамлакатимиз нашриётлари ҳам муносиб иштирок этди.

Ярмаркада мамлакатимиз учун алоҳида бўлим ажратилиб, унда “Шарқ”, “Ўзбекистон”, “Ўқувчи”, “Маънавият” нашриётларида чоп этилган уч юздан ошқ китоб намуналари намойиш этилди. Хорижлик китобхоналарда, айниқса, халқимиз маданияти ва урф-одатига бағишланган илмий-бадий асарлар катта қизиқиш уйғотди. Анжуман раҳбари Тобиас Фосс таъкидлаб ўтганидек, халқаро ярмарка юртимиз нашриётларининг салоҳиятини намойиш қилиш барибаради ўзаро та



СЎЗ ЛАТОФАТИГА ОШУФТАЛИК

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" номли китобининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, талаба ёшлар иштирок этди. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган ушбу китоби ҳақида муаллиф шундай ёзди: "Адабий ижод ҳамиша Сўз оламига саёхатдир. Ижодкор Сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади. Менинг ёзганларим ана шундай жонли тил билан жонли суҳбат бўлишини истайман. Умрини яшаб бўлган ва барҳаёт, мен англаган ва англаб етмаган соҳир хилқат билан кўнгил боғларида кезиб, ҳаёлан Сўз билан сўзлашсам, Тил билан тиллашсам, дейман. Сиз азизларимни ҳам бу сайрда ҳамроҳ бўлишга таклиф этмоқчиман. Сўз мўъжизаси қошидаги хайратларимга ошно қилмоқчиман".

Она тилимизнинг жозибаси не-не адиб ва олимларни ром этмаган. Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асари тилимизнинг бойлиги ва нақадар улкан имкониятларга эгалигини асрлар давомида намойиш этиб келмоқда. Алибек Рустамовнинг "Сўз ҳақида сўз", Пиримкул Қодировнинг "Тил ва эл" каби китоблари ҳам ада-

биёт ихлосмандларининг маънавий мулкига айланган.

Устоз Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" номли китобига кирган туркум мақолалари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Китоб дунёси" газеталари ва "Тафаккур" журналарида чоп этилганидан тезда ўқувчиларнинг диққатини жалб этган эди. Она тилимизнинг сўз бойлиги, кўп маъноли сўзлар, иборалар, сўз бирикмалари, уларнинг келиб чиқиш тарихи, этимологияси, сўз ясалиши, товуш алмашилиши каби лисоний масалалар ҳамда жараёнлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилувчи мазкур мақолалар ижодкорнинг она тилимизга бўлган меҳр-муҳаббатини намойиш этади.

Дарҳақиқат, асарларида кўп ва хўп сўз ишлатган тили бой шоирлар жозибали асарлар яратди. Шоир бу борадаги ўз фикрларини ҳаётини ва жонли мисоллар орқали исботлайди, сўзларнинг товланишини, жилваланишини намойиш этади. Халқ оғзаси ижоди дурдоналари, мақол ва маталлар, мумтоз шоирларимизнинг шох байтлари, ўқувчилар орасида маълум ва машҳур шеърлардан намуналар келтириб, тил мўъжизаси, сўз сеҳри ва ҳикмати кайфияти айтишга ундайди.

Тақдимотда "Сўз латофати" китобининг мазмун-мундарижаси, бадий ва илмий аҳамияти ёшларни она тилимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ўрни алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўз муҳбиримиз

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2014 йил, сентябр ойи сон

Ушбу сонда "Глобус" руқносида Нидерландия адабиёти, тасвирий санъати, мусиқа, театр ва киноси ҳақида мақолалар берилган. Нидерландиялик атоқли шоирлар ижодидан намуналарни рус тилидан М.Аъзам ва М.Саттор ўли ўзбекчалаштирган. Таниқли адиб Симон Кармигелт ҳикоялари ҳам (Қ.Очилов таржимаси) замонавий нидерланд насри ҳақида муайян тасаввур беради.

Атоқли голланд ёзувчиси Вилли Корсарининг "Мангу изтироб" романининг илк боблари билан ҳам журналининг ушбу сонидан танишасиз. Асарни рус тилидан Мухиддин Омон ўғирган. Ўтган сонда босилган Иван Франконинг "Феруза" ҳикояси давомини ва Лолахон Сайфуллиннинг "Ичкари" сочма шеърлар китобидан парчаларни Ўзлон амалга оширган таржималар орқали мутлоа қиласиз. Шойим Бўтаевнинг "Шукур, айтчи, бу ҳаёт нима?" номли эссеси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмировнинг ҳақида.

"Устоз таржимонлар бисотидан" руқнода атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ўзбекчалаштирган Чехов ҳикоялари ва устоз таржимон ижодий тажрибалари ҳақида профессор Абдуллом Умаровнинг мақоласи босилган.



Форс тилидан О.Бўриев таржима қилган Хусрав Дехлавийнинг "Матлаъ-ул-анвор", "Шири ва Хусрав" дostonлари-дан парчалар, озарбойжон тилидан Хосият Рустамова ўғирган Рамиз Равшаннинг "Сут тишининг оғриги" дostonлари сизни қадим ва замонавий Шарқ шеърининг ажойиб намуналари билан ошно этади.

Марио Бенедеттининг "Яшил пиёла" номли гаройиб ҳикоясини Олим Отахонов мухтасар кириш сўзи билан эътиборингизга ҳавола этган. "Жараён" руқнода эса Вафо Файзуллоҳнинг шоир ва таржимон Вади Муратханов билан суҳбатини ўқисиз.

Шунингдек, журналининг ушбу сонидан эълон қилинган Баҳодир Каримовнинг "Гапиринский ёди", Алишер Отабевнинг "Кортасарнинг топишмоқлари", Ролан Бартнинг "Структурализм филология сифатида" (Х.Болтаев таржимаси) мақолаларида адабиётшунослик масалалари ва жаҳон адабиёти намоёндалари ҳаёти ҳамда асарлари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Қамола МУСАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганидан 25 йиллигига бағишланган "Тил - миллатнинг гавҳари" мавзуда адабий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда адабиёт мухлислари иштирок этди. Уюшма раиси Мухаммад Али ўзининг кириш сўзида мумтоз шоир Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" дostonидан байтлар ўқиб, кўнча тилимизнинг бекиёс гузаллиги хусусида гапирди. Дарҳақиқат, ўзбек тилининг бойлиги ва имкониятлари кенглигидан хайрат ва ғурур ҳиссини туймаган ижодкорни топиш қийин.

Устоз олим, академик Азиз Қайюмов ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида-

ги ўз хотираларидан сўзлаб берди. Қонун қабул қилинган илк йиллардаёқ ўзбек тили жаҳонда ҳаётининг барча соҳаларида фаоллашди. Атамашунослик кўмитаси ташкил бўлди, Ёзувчилар уюшмасида кизгин муҳокамалар, Фанлар академиясида жиддий ишлар амалга оширилди.

Тил байрами миллий шодиёна тусини олишида катта мазмун бор. "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган чорак аср ўтган бўлса-да бу борада қилинажак ишлар, вақол ва маталлар оз эмас. Уларни бажаришга ҳар биримиз, масъулмиз. Зотан, истиқлолга эришиб, юртимиз, халқимиз дунё билан тўғридан-тўғри алоқаларга киришган бир даврда тилимизни қадрлаш, асраб-авайлаш ҳар қачонгидан-да долзарбдир.

Тадбирда академик Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ шоирлари О.Матжон, О.Ҳожиёва, шоирлар Х.Мухаммад, Г.Жўраева ҳамда Ш.Салимова ва бошқа ижодкорлар она тилимиз софлиги ва раванг ҳақида сўзлашди. Тил байрамига бағишланган анжуман мушоира билан давом этди.

Бангладеш Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида Ўзбек тили байрамига бағишланган ўзбек ва бенгал шеърини кечаси бўлиб ўтди.

Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги факултодда ва мухтор элчиси жаноб Мосуд Маннан икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар ривожини, бенгал ва ўзбек шеърининг айрим ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлади ва ўзининг янги шеъри билан мушоирани бошлаб берди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али буюк бенгал адаби Рабиндранат Тагорнинг "Муножот" шеърини

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али буюк бенгал адаби Рабиндранат Тагорнинг "Муножот" шеърини

Ёзувчилар уюшмасида

Ўз таржимасида ўқиди. Шоирлар Фарид Афруз, Шукур Курбон, Сирожи-дин Рауф, Гайрат Маждид ва бошқалар янги шеърларидан ўқиб беришди. Бангладеш шоирларидан Забрул Ислоҳ ва Хилол Ҳафиз шеърини ҳақида сўз юритилди, икки минтақа халқлари қалбини забт этган буюк шоир Захириддин Мухаммад Бобур адабий меросидан намуналар ўқилди.

Ахборот хизмати

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

“Кино, ТВ ва радио режиссёрлиги” кафедраси профессори (1), “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори (1), “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедраси доценти (1), “Чолгу ижрочилиги” кафедраси катта ўқитувчиси (1), “Муенқий-назарий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси (1).

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- 1.Ректор номига ариза.
 - 2.Ишловчининг шахсий варақаси.
 - 3.Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
 - 4.Паспорт нусхаси.
 - 5.Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
 - 6.Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
 - 7.Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзила: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127-“а” уй.
Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

★ ★ ★

Ҳар йили 21 октябр санаси мамлакатимизнинг таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллалар ҳамда маданият ва истироҳат боғларида она тилимизга давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланиб турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан Қамолот Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Кенгашининг Чилонзор туман бўлими ҳамда "Баркамол авлод" Республика болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Тил - миллат кўзгуси" адабий-мусикий учрашув ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кунга бағишланди. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзолари ҳамда 2-Тошкент юридик коллежи, Чилонзор туманидаги тиббиёт ва радио-техника коллежлари, Тошкент давлат техника университетини қошидаги академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлари иштирок этган ушбу адабий-мусикий учрашув баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Тадбир доирасида сўзга чиққан тилшунос олимлар ўзбек тили жуда қадим ва бой тиллардан бири эканлигини, бир неча минг йиллик маданият тарихида халқимиз бадий тафаккури ва тилимиз қудратининг маҳсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоблигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Айниқса, Республика "Баркамол авлод" болалар ижодиёти маркази қошидаги болалар рақс ансамбли, Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги Мансур Қурёзов бадий раҳбарлигидаги "Жайхун" кўғирчоқ театри ҳамда "Улуғбек юлдузлари" ансамбли хонандалари томонидан намойиш этилган концерт дастурлари, ўқувчилар тайёрлаган ўзбек тили ҳақидаги адабий лавҳа кўпчиликлда катта таассурот қолдирди.

Одинахон ХОЛИҚОВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир **Самандар ВОХИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Республика актёрлар уйи директори Мунира Раҳимовага волидаи муҳтарамаси

ЗУХРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тадбир

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Жорж Перек сәйёраси

XX асрдаги етук француз адабларидан ҳисобланган Жорж Перек (1936—1982) қаламига мансуб "Кондотер" романи муаллиф вафотидан сўнг ўттиз йил ўтиб нашр этилди. Тасодифан топишган бу асар ўзига хос адабий лаборатория сифатида талқин этилмоқда. Романда адиб бўлгуси асарларининг мавзу ва услублари қандай шаклланганини кузатиш мумкин. Унда манфаатлар тўқнашуви психологик детектив жанрида акс этган.

Ж.Перек олти ёшлигида отаси фронтда ҳалок бўлиб, онаси қонлагерга тушди. Бу йўқотишлар адиб ижодида таъсир кўрсатган. Колледждан сўнг Сорбонна университетига қабул қилинган Перек тез орада ўқишини ташлашга мажбур бўлади. Журналлар учун мақола ва тақризлар ёзди. 1950-йиллар охирига келиб, "Кондотер" ва "Сараевога суиқасд" романи ёзилади. Улар адиб ҳаётлигида нашр этилмаган. "Мулк" романи эса адиб номини машҳур қилиб, 1965 йили Рендо мукофоти билан тақдирланган. 1960-йилларда Перек адабий экспериментлар билан машғул бўлиб, Раймон Кено ва математик Франсуа Ле Лионнэ ташкил этган ижодий гуруҳга кириди. Уларни тил соҳасидаги шаклий тажрибалар, адабий имкониятларни теран ўрганиш иштиёқи бирлаштирган. 1970-йилларда Перек "Қора дўконча", "Оддий бўшлиқлар", "W ёки Болалик эсдаликлари" каби автобиографик романлар туркуми устида ишлайди. 1978 йили эса унинг XX аср жаҳон адабиётининг энг машҳур асарларидан бири сифатида эътироф этилган "Ҳаёт истеъмол тарзи" романи нашр этилади. Лорис Кливо бу асарни "роман тарихидаги энг сўнгги катта воқеа", деб баҳолаган. Перек қаҳрамони ҳаётидаги ҳақиқатга интилиш ҳамда сохтагарчиликларга икромлик ҳисси адибнинг тафаккур тарзи билан кўп жиҳатдан ҳамоҳангдир. 1984 йили фазодаги 2817-сайёра ёзувчи шарафига Перек номи билан аталган.

Тугалланмаган роман

Таниқли португал адиби, шоир ва драматург Жозе де Сарамаго (1922—2010) вафотида қадар эзиб тугалланмаган "Алабардас, Алабардас, Эспингардас, Эспингардас" романи бир вақтнинг ўзида португал, италян, испан ва каталон тилларида чоп этилди. Китоб сўзбошисида айтилганидек, адиб вафотидан бир неча ой бурун ўзини қаттиқ тўлқинланган одамлар тақдирига нисбатан ўзравонлик мавзусини бадий тадқиқ этишга киришган.

Лиссабон яқинидаги Азиянго кўрғониде деҳқон оиласида таваллуд топган Жозе қашшоқлиги боисидан ўрта маълумот ололмаган. Авточилангар, чизмакаш, суғурта ходими бўлиб ишлаб, кўп ўқиган, хорик тилларини ўрганган. 1947 йили чиққан "Гуноҳ ери" китобидан сўнг 1966 йилга қадар ёзган асарларини чоп эттирмаган. 1974, 1975 йилларда сиёсий шарҳловчи ва газета бўлиб бошлиғи, кейинроқ бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган. Кўп ўтмай журналистик фаолиятини тўхтатиб, бутунлай бадий ижод билан шуғулланади. "Тасвирий санъат ва каллиграфия дарслиғи" номли илк романи ёзувчи ижодида муҳим қадам бўлган. Адабиётшунослар адиб ижодини айрим истиснолар билан фусункор реализмга мансуб, деб ҳисоблашган. Унинг фантастмагорик прозаси умуминсоний тенглик ва теран гуманизм ғоялари билан йўғрилган. "Ердан бош қўтарганлар" романи португал деҳқонлари ҳаётига бағишланган. Кинорежиссёр Федерико Феллини адибнинг "Монастир ҳақида хотира" романини даврининг энг ажойиб асари сифатида баҳолаб, шу асосда бадий филм сураатга олмақчи бўлган. Бироқ экранга кўчиш адибнинг "Тошдан ясалган сол" романига насиб этди. 2001 йили француз режиссёри Жорж Слүзер шу роман асосида яратган "Дарс" фильмини экранларга чиқарди. "Исодан қолган инжил" романи Сарамаго ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу асар 1998 йили "фантазия ва кино-кесатикларнинг масал шаклидаги ифодаси учун" таърифи билан Нобел мукофотиغا сазовор бўлган. Сарамагонинг "Ўлимдаги тўхталтишлар" фантастик романи адиб ижодининг сўнгги даврида яратилган дурдона асарлардан биридир.

Карнайчида бир "ПУФ"

Янги давр Чили адабиётининг ёрқин намоёндаларидан ҳисобланган Эрнан Ривер Летелернинг "Оркестрдаги карнайчи муҳаббати" романи жаҳоннинг қўллаб тилларида чоп қилинмоқда. Асар ишчилар театрида қўйилган овозсиз филмларга пианинода куй қалувчи маъсуми муаллими Голондрини дел Росарио ва "Литр-бэнд" оркестри карнайчиси малласоз майшатбоз Бело Сандалио ўрталаридаги севги хангомалари ҳақида ҳикоя қилади. Улар Атакама чўлидаги чапанлар қишлоғида бир-бирларини ёқтириб қолишди... Эрнан Ривер Летелер 1950 йили Чилининг Талка кўрғониде туғилган. Ўн бир ёшига қадар отаси ишлаётган Хамберстон компанияси қонларида яшайди. Тирикчилик учун газета сотади, кечки мактабларда ўқиб, отаси каби шахталарда ишлайди. 1970, 1973 йилларда Чили, Боливия, Эквадор ва Аргентинани кезиб чиқади. 1987 йили шеърлар китоби, 1990 йили эса кичик новеллар тўплами нашр этилган. 1994 йили босмадан чиққан "Қиролчица Исабел қўйлади" номли илк романи адибга катта шухрат келтириб, у бир қанча миллий ва халқаро адабий мукофотлар соҳибдори бўлди. Эрнан Ривер Летелер Франциянинг Санъат ва адабиёт ордени билан ҳам тақдирланган. Белгиялик таниқли кинорежиссёр Юбер Туэн адибнинг "Оркестрдаги карнайчи муҳаббати" романи асосида бадий филм сураатга олмақда. Муаллими Голондрини дел Росарио ролини актриса Мари Жиллен ўйнаётган ушбу филмнинг тез орада экранларга чиқиши кутилмоқда. Э.Летелернинг "Маҳшаргоҳга йўл олган поездлар", "Қора гулли Биби Марям", "Менинг отим Маларосса", "Тириштириш санъати", "Эпитафиялар битувчи", "Рақс тушувчи қаҳрамоннинг севги тарихи", "Эътироф" каби асарлари қўллаб тилларга таржима қилинган.

Кафка ва Матей Вишнек

Таниқли румин шоири ва адиби Матей Вишнекнинг яқинда чоп этилган "Жаноб К. озодликда" романи 1988 йили ёзиб тугалланганига қарамай асар қўлёзмаси йилдан йилдан ортқ вақт мобайнида адибнинг ёзув столида қолиб кетган. Роман Франц Кафканинг "Жараён" романига акс жавоб тарихида ёзилган. Яъни, Кафка асариде Йозеф К.ни қамашса, Вишнекнинг қаҳрамони Йозеф К.ни озодликка чиқаришди...

Матей Вишнек 1956 йили Рэдэуци шаҳрида туғилган. Бухарест университети тарих ва фалсафа факултетини битириб, бир қанча шеърый тўпламлар чоп эттирган. Руминия Ёзувчилар уюшмасининг ҳамда бошқа нудфули мукофотларнинг соҳибдори бўлган. "Олов шаҳридаги ваҳима синдроми" романи ҳам адибга катта шухрат келтирган. "Ўзингни худо деб ҳисобла", "Дераза остидаги отлар" каби қўллаб драмалари эса жаҳон театрлари сахналарида қўйилиб, муваффақият қозонмоқда. 1996 йили Тимишоара миллий театрида бўлиб ўтган фестивалда ўндан ортқ театр труппалари Вишнек асарлари асосида сахналаштирилган спектаклларини намойиш этишган. Беккет ва Борхес, Кафка ва Лотреамон, Эдгар По ва Достоевскийларни ўзига устоз ҳисоблаган Матей Вишнек реализмдан бошқа барча ижодий услуб ва оқимлар, хусусан, сюрреализм, абсурд ва гротеск (муболага билан бўрттириб тасвирлаш) услубларида ижод қилишни ўзига маъқул қўради.

Адиб 1987 йилдан бери Францияда яшаб, француз тилида ижод қилмоқда.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзил: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД



Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтаришмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Хумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4616 Буюртма Г — 1057. Ҳажми — 3 босма тибқоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 1 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

